**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

"TASDIQLANDI"
ishlari bo'yicha prorektor,
________ Sh.A. Boymuradov
________________ 2023 yil

# ЭПИДЕМИОЛОГИЯ

мутахассислиги бўйича клиник ординатор (резидент)ни
тайёрлаш

## ЎҚУВ (МОДУЛ) ДАСТУРИ

| | |
|---|---|
| **Билим сохаси:** | Соғлиқни сақлаш |
| **Мутахассислик:** | Эпидемиология |

**Тошкент 2023**

**Тузувчилар:**


| | |
|---|---|
| Матназарова Г.С. | ТТА, Эпидемиология кафедраси мудири, т.ф.д. |
| Қосимов И.А. | ТошПТИ, Эпидемиология, юқумли касалликлар кафедраси мудири, т.ф.д., профессор |
| Абдукахарова М.Ф. | ТТА, эпидемиология кафедраси доценти, т.ф.н. |
| Шомансурова Ш.Ш. | ТошПТИ, Эпидемиология, юқумли касалликлар кафедраси доценти,т.ф.н. |


**Тақризчилар:**


| | |
|---|---|
| Искандарова Г.Т. | ТХКМРМ, Эпидемиология кафедраси мудири, т.ф.д., профессор эпидемиологии ТашИУВ, д.м.н., (ташқи) |
| Худайкулова Г.К. | ТТА, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва бошқариш кафедраси мудири, т.ф.д. (ички) |


Ўқув (модул) дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилган.

Ўқув (модул) дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил 6 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган.

**1. Мутахассисликни долзарблиги ва аҳамияти, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўрни.**

Клиник ординатура (резидентура) – дипломдан кейинги таьлим тизими билан боғлиқ бўлган таьлим, шифокорларнинг узлуксиз касбий таьлим тизимининг таркибий қисмидир. Эпидемиология мутахассислигидан клиник ординатура (резидентура) - тиббиёт олий таълим муассасалари битирувчилари учун дипломдан кейинги ўқишни бир шакли бўлиб, ундан кейин шифокорга эпидемиолог малакаси берилади.

Намунавий дастур Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590 сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310 сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666 сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорларидабелгиланган вазифаларни бажариш мақсадида, кредит-модулли таълим жараёнига ўтиш муносабати билан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги 209-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта махсус касб хунар таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меъёрий хужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда COVID-19 (коронавирус) пандемияси хавфининг тобора кучайиб бораётгани юқумли касалликлар, шу жумладан коронавирус инфекциясига қарши курашиш фаолиятидаги ёндашувларни ҳамда санитария-эпидемиология хизматининг институционал асослари ва ташкилий тузилмасини ҳозирги мураккаб шароит ва орттирилган тажрибалардан келиб чиқиб такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Клиник ординатура (резидентура)ни битирган мутахассис барча замонавий тиббий муаммоларни ечимида малакали ёрдам курсата олиш керак, хар хил инфекцион касалликларда (ОИВ, COVID-2019 ва бошқалар) аҳолининг касалланишларини олдини олиш, аҳоли ўртасида касалликлар келиб чиққанда уни бартараф этиш учун эпидемияга қарши чора-тадбирларни олиб бориш тактикаси, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи,

тўғри овкатланиш каби масалалар тўғрисида оммавий тушунтириш ишларни олиб боришни билиши шарт.

Айниқса, касалликларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш, эрта аниқлаш, тўғри ташхис қилиш ва даволашда санитария-эпидемиология хизмати билан бирламчи тиббий-санитария муассасалари (қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар, тез ёрдам станциялари ва шошилинч тиббий ёрдам муассасалари) ўртасида тузилмавий боғлиқлик ва ўзаро ҳамжиҳатликдаги фаолиятни йўлга қўйиш зарур.

Шунингдек, жамоат саломатлигини сақлашда касалликлар профилактикаси, инсон иммунитетини мустаҳкамлаш, бунинг учун аввалambор тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни оширишни тизимли ташкил этиш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш устувор вазифага айланмокда.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлигини таъминлашнинг маҳаллалар ва аҳоли хонадонлари даражасигача қамраб оладиган яхлит тизимини яратиш, санитария-эпидемиология хизматининг яқин ва ўрта истиқболдаги ривожланишини белгилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш (замонавий лабораториялар, асбоб-ускуналар, махсус техника, тест тизимлари, ҳимоя воситалари ва бошқалар), соҳа учун кадрларни тайёрлаш ва жалб қилиш (Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сонли “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони).

Ушбу ўқув дастур кундузги таълим шаклдаги 2 ўқув йилига мўлжалланган ва кредит-модул тизими асосида тузилган. Дастурда мутахассис-эпидемиологни аҳолига эпидемиологик ёрдам кўрсатишни ташкиллаштиришни, мустақил ва самарали фаолият юритиши учун барча тегишли назарий билим, кўникма ва компетенцияларни эгаллаш учун етарли ҳажмдаги вазифалар ўз аксини топган.

Ўқишни биринчи йилида клиник ординатор (резидент) томонидан эпидемиология тарихи, умумий эпидемиологиянинг асосий назарий тушунчалар, эпидемиологик диагностика, эпидемиологик тахлил ва уни ўтказиш усуллари, касалликларнинг эпидемиологик хусусиятларини, шунингдек, тиббиётда долзарб муаммолар (COVID-19) каби вирусли касалликлар эпидемик ўчоқларини эпидемиологик текшириш услубларини ва аҳоли касалланишларининг эпидемиологик ташҳисини тўғри шакиллантиришнинг назарий ва амалий билимларига эга бўлишлари талаб этилади. Олинган билим ва ўзлаштирилган амалий кўникмалар эпидемик

жараённинг ривожланиши ва намоён бўлиши қонуниятларини ўз вақтида аниқлашга ва аҳоли касалланишларига тўғри эпидемиологик ташхис қўйишда ёрдам беради.

2 йиллик ўқиш даврида клиник ординатор (резидент) асосий мутахассислик модуллардан ташқари умумметодологик ва номутахассислик ёндош тиббий модулларини (валеология, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш) ёндош клиник мутахассисликлардан микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар бўйича ҳам бир қатор билимларни ўзлаштириши кўзда тутилган.

Республикамизда соғликни сақлаш тизимида амалга оширилаётган қатор ислоҳатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инобатга олган ҳолда ушбу модул дастурида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш, замонавий эпидемиологик диагностика ва турли хил профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг юқори технологияли усулларини қамраб олишга алохида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари дунёвий ва маҳаллий эпидемиологик ҳолатни инобатга олган ҳолда, юқумли касалликларда эпидемиолог-шифокор тактикаси, юқумли касалликлар эпидемик ўчоқларида инфекция манбалари, мулоқатда бўлган шахслар билан ишлаш ва уларга нисбатан ўтказиладиган чора-тадбирлар хусусиятлари, эпидемиология бўлимларни иш фаолиятини мослаштириш, хусусий химоя қоидаларига риоя қилиш, ишлатилган буюмларни зарарлантириш каби саволларга алоҳида мавзулар ажратилган.

Клиник ординатор (резидент)ни ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиялар ва масофавий таълимдан кенг фойдаланиш кўзда тутилган.

Эпидемиологнинг фаолияти жуда масулятли ва кўп қирралидир. Бу касб эгалари кузатувчан, ташкиллаштирувчи ва эпидемияга сабаб бўлувчи касалликларни ўз вақтида аниклаш, эпидемик ўчоқларда чора-тадбирлар ташкил этиш, эпидемиологик текширувлар ўтказиш, ташхис қўйиш, бартараф этиш, ўз вақтида карантин ва бошқа тартибли тадбирларини эълон қилиб инфекцион касалликларни олдини олишни ташкил қилишни талаб қилади.

Эпидемиологларни олдида турган асосий муаммолардан бири бу вакцинация ишларини аҳоли ўртасида ўз вақтида амалга ошириш ва инфекцион касалликларни тарқалишини олдини олишдир. Шу сабабли, эпидемиологларга бўлган талаб кучаймокда ва инфекцион касалликларга қарши профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш кўникмасига эга бўлган, ўз касбини мукаммал эгаллаган мутахассиси бўлиши, бу касб эгаларини қадр қимматини оширади.

Аҳолининг санитария маданиятини ошириш, касалликлар, айниқса, юқумли касалликларни олдини олиш, санитария-гигиена ва эпидемиология масалаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш.

Бундан ташқари, врач-эпидемиологлар юқори-ихтисослашган мутахасислар бўлиб, фақат аҳоли орасида профилактика ишларини олиб боришгина эмас, ва балки соғлиқни сақлаш тизимида маъмурий-бошқарув ташкилий-услубий ишларни амалга ошириш билан ҳам шуғулланадилар.

Эпидемиология мутахассислиги бўйича клиник ординаторлар (резидент) Санитария-эпидемиология хизматининг тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимлари билан биргаликда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига фаол иштирок этадилар.

Эпидемиология мутахассислиги бўйича клиник ординаторлар (резидент) Санитария-эпидемиология хизмати эпидемиология бўлимида ишлашга ихтисослаштирилган бўладилар.

Клиник ординатор (резидент)ни ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиялар ва масофавий таълимдан кенг фойдаланиш кўзда тутилган.

## 2. Ўқув (модул) дастурининг мақсади ва вазифалари.

***2.1. Ўқив (модул) дастурининг мақсади*** - клиник ординатура (резидентура)да керакли ҳажмдаги замонавий билимга, маҳоратга, амалий кўникма ва компетенцияларга эга бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни соғлиқни сақлаш муассасаларида (идора/ташкилотларда) мустақил мутахассис сифатида, тиббиётда долзарб муаммолар (COVID-19 каби) ечимини биладиган ва ташкиллаштириш  ишлашга тайёрлигини шакллантириш.

Ўқитишдан мақсад, юқори квалифицияли, юқори билим доирасига эга бўлган, амалий кўникмаларни амалда бажара оладиган, инфекцион касалликларни олдини олиш учун профилактик чора-тадбирларни замонавий тиббий билим ва техникалар асосида ишлаб чикишни биладиган мутахассисларни тайёрлаш.

***2.2. Ўқив (модул) дастурининг вазифалари:***

- клиник ординатор (резидент)ларни соғлиқни сақлаш тизимининг ва ихтисослаштирилган муассасалари бўлимларида юқори малакали эпидемиолог сифатида мустақил ишлашга тайёрлаш;
- соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларида аҳолига малакали эпидемиологик ёрдам кўрсата оладиган, мақсадли профилактик чора-тадбирларни ўтказа оладиган мутахассисни тайёрлаш;

- соғлиқни сақлаш тизимининг барча муассасалари ишига раҳбарлик қилиш.

Шулардан келиб чиқган ҳолда:

1. Юқори малакали эпидемиологик ёрдам кўрсатиш учун назарий билимларни эгаллаш ва такомиллаштириш, тайёргарлик даражаси ва сифатини ошириш;

2. Касбий вазифаларни мустақил ва сифатли бажариш учун шифокор-эпидемиолог зарур амалий кўникма, компетенцияларни эгаллаш ва такомиллаштириш;

3. Эпидемиологик текшириш усулларининг ўзига ҳос жиҳатлари, унинг асосий бўлимлари мазмунини ўрганиш: хавф омиллари ҳақидаги фаразни шакиллантириш усуллари, уларни баҳолаш ва исботлаш, замонавий профилактик дастурларни асослаш усулларини эгаллаш;

4. Инфекция ўчоқларида эпидемиологик текширув олиб бориш амалий кўникмасини амалга ошириш;

5. Аҳоли ўртасида юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг диагностикаси ва замонавий эпидемиологик анализ усулларини қўллаш кўникмасини ривожлантириш;

6. Юқумли касалликларнинг айрим гуруҳлари ва нозологик шакиллари бўйича эпидемиологик назоратни амалга ошириш, керакли эпидемияга қарши чора-тадбирларни танлаш, уларни ўтказишни, услубий раҳбарлик қилиш ва назоратини ташкил этиш;

7. Юқумли касалликлар устидан санитария-эпидемиология назоратини худудий ва ижтимоий омил тушунчаларини ишлаб чиқиш;

8. Айрим эпидемияга қарши чора-тадбирлар ва уларнинг комплексини потенциал ва ҳақиқий самарадорлигини, шунингдек, иш сифати ва самарадорлигини баҳолаш;

9. Юқумли касалликларни санитария-эпидемиологик назорати бўйича ҳудудий-омиллар концепцияси тушунчаларини ривожлантириш асосида илмий тадқиқотларни амалга ошириш орқали, турли хил юқумли касалликлар эпидемик жараёнининг муҳим хусусиятларини очиб беришга ёрдам бериш;

10. Турли инфекциялар эпидемик жараёнининг муҳим хусусиятларини аниқлашга ёрдам берадиган юқимли касалликларни назорат қилиш;

11. Ташкилий-услубий ва маъмурий-бошқарувчилик функциясини бажариш кўникмаларини ривожлантириш: ташкилотлар ва таркибий бўлинмалар фаолиятини таҳлил қилиш ва уларнинг ишини оқилона режалаштириш учун соғлиқни сақлашни ташкил этиш, соғлиқни сақлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий масалалари бўйича асосий билимларга эга бўлиш;

12. Тиббий амалиётда замонавий ахборт технологияларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш.

Клиник ординатор (резидент)нинг вазифаси ўқув жараёни вақтида эпидемиология соҳасидаги билимларни чуқурлаштириш, эпидемиологик фикрлаш кўникмаларини ва илмий адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, қўшимча текшириш усулларини бажариш кўникмаларини ўзлаштириш, уларни шарҳлаш, профилактик тиббиёт муассасалари ишини ташкил қилиш усулларини ўзлаштириш, касалликнинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари билан танишиш.

Клиник ординатурада бўлажак врач-эпидемиологларни ўқитиш, ҳаётни ташкил қилишнинг популяцион даражаси бўйича билимларни шакиллантириш ва уни тиббиётдаги акс эттириш, одамларнинг патологиясини белгилайдиган генотипик, фенотипик ва муҳитга хос хавфли омилларининг нисбати: эпидемиологиянинг назарий тушунчаларини, умумий тиббиёт ва унинг эпидемик жараён ҳақидаги таълимоти ўрганишда қўллаш;

Клиник ординатор (резидент)ларнинг касбий тайёргарлиги асосий ва унга алоқадор (ёндош) фанларни чуқур ўрганишга, шунингдек, маҳаллий ва жаҳон тиббиётининг сўнгги ютуқлари билан танишиш ва ривожлантиришга қаратилган.

Мутахасиснинг аҳоли билан мулоқати тиббий этика ва деонтология тамойилларини билишга асосланган.

***2.3. Мутахассисдан кутилаётган натижалар:***

Эпидемиолог мустақил касбий фаолият ва асосий функционал вазифаларни бажариш учун тайёрланиши керак:

- далилларга асосланган тиббиёт ва биоэтика тамойилларига амал қилиш;
- назарий билимларни амалий кўникмалар билан бирлаштириш;
- ишга масъулият билан ёндошиш;
- ўзига ва бўйсунувчиларига талабчан бўлиш;
- доимий равишда касбий тайёргарликни ошириб бориш;
- ички тиббиёт ва тегишли соҳаларда ўз билимларини ошириш;
- илмий меҳнатни ташкил этиш тамойилларини амалда қўллаш;
- соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.

**Эпидемиология модули бўйича клиник ординатор (резидент)лар-нинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади:**

**Клиник ординатор (резидент):**

- соғлиқни сақлаш соҳасида Давлат сиёсати ва унинг амалга оширилишида барча бошқарув органларининг масъулияти ҳақида;

- соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асослари ва соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари фаолиятини белгиловчи директив ҳужжатлар;

- Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни ривожланиш стратегияси ва бошқарув тузилмалари (концепция, тамойиллар, асосий йўналишлари, стандартлари, истиқболлари) ҳақида;

- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овкатланиш каби масалалар тўғрисида оммавий тушунтириш ишларни олиб бориш;

- соғлиқни сақлаш тизими ва уларда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида;

- соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг асосий сиёсий тамойиллари, стандартлари, истиқболлари;

- соғлиқни сақлашни бошқариш, молиялаштириш ва режалаштириш бўйича сиёсат ҳужжатларидан фойдаланинг;

- соғлиқни сақлашда менежмент асосларини, профилактик тиббиёт хизматларини бошқариш асосларини қўллаш;

- дунёвий ва маҳаллий эпидемиологик ҳолатни инобатга олган ҳолда, юқумли бўлган касалликларда (COVID-19 каби) врач-эпидемиолог тактикаси;

- Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурлари ва буйруқлари ("соғлом авлод учун", 155, 188-сонли буйруқ ва ўқув жараёнида жорий этилган);

- тиббиётнинг замонавий муаммолари ва ривожланишининг магистрал йўналишлари, юқумли касалликлар эпидемиологияси, профилактикаси, эпидемиологик диагностикаси, ўтказиладиган чора-тадбирлар ва замонавий янги технологиялари ҳақида;

- Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш органларининг эпидемиолгик хизматга тегишли буйруқ ва норматив ҳужжатлар тўғрисида;

- Ўзбекистон Республикасидаги эпидемиологик ёрдамнинг ҳолати ҳақида;

- Ўзбекистон Республикасида эпидемиология соҳаси ривожланишининг асосий йўналишлари ва сўнги ютуқлари, долзарб муаммолари ҳақида;

- юқумли касалликлар эпидемиологияси ва эпидемик жараёнини прогноз қилишда компьютер технологияларининг ўрни, асосий элементлари, интернет воситалари, ахборотлар қидириш, маълумотларни сақлаш ҳақида;

- эпидемиологларнинг дипломдан кейинги узлуксиз касбий таълимини режалаштириш ва ташкиллаштириш ҳақида;

- тиббий статистикани ва бухгалтерия ҳисобини;

- тиббий демография, тушунча, асосий бўлимлари ҳақида;

- ахлоқий ва эстетиканинг ҳуқуқий масалалари;

- тиббий этика ва деонтология асослари ҳақида;

- амалиётда тиббий деонтология талаблари ҳақида ***тасаввурга эга бўлиши;***

- эпидемиология тарихи, фан ва амалиётнинг замонавий ҳолати, келажак йўналишлари ҳақида;

- эпидемиологиянинг предмети ва вазифалари, асосий принциплари, бўлимлари, эпидемиологга қўйиладиган талаблар ҳақида;

- юқумли касалликларнинг эпидемиологияси ва касалликларнинг хавф омиллари, ривожланишининг замонавий назариялари ва таснифлари ҳақида;

- санитария-эпидемиология хизматнинг таркибий тузилмаси ва фаолиятлари ҳақида;

- санитария-эпидемиология хизматининг ишини ташкил этиш, унда алоҳида бўлимлар, идоралар ва лабораториялар ишида ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- санитария-эпидемиология хизмати, даволаш-профилактик муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини тахлил қилиш ва хисоботларни шакллантириш ҳақида;

- аҳолига профилактик ва эпидемияга қарши хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш ҳақида;

- эпидемиологияда замонавий ташҳислаш усуллари ва эпидемиологик анализ ўтказиш усулларининг янги технологиялари, профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ҳақида;

- аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари, инциденция тузилиши ва профилактика ва эпидемияга қарши тадбирларнинг сифати ва самарадорлиги;

- аҳоли орасида юқумли ва юқумсиз касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, механизмлари ва тарқалиши;

- эпидемиологик назоратнинг асосий йўналишларини ва юқумли касалликлар профилактикасини аниқлашда эпидемик жараённи кузатиш;

- аҳоли саломатлиги ҳолатини ўрганиш усуллари (умуман, алоҳида ёш ва ижтимоий гуруҳлар бўйича));

- эпидемиологнинг ҳуқуқлари ва функционал вазифалари;

- деонтология, тиббий этика, психология масалалари;

- аҳолининг морбидлигини ўрганишга эпидемиологик ёндашувни тўғри ишлаб чиқиш ва касбий муаммолар ва муаммоларни ҳал қилиш ва ҳал этиш учун эпидемиологик тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш;

- профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш ўқув ҳужжатларига мувофиқ ва эпидемиологик

диагностика натижалари асосида профилактик чора-тадбирлар комплекс режасини тузиш;

- профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар тизими ва мазмуни, фойдаланиладиган дори воситалари ва техник воситалар, улардан фойдаланиш усуллари, аҳолини эпидемияга қарши таъминлашни ташкил этиш тўғрисида билиш;
- аҳолини тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларнинг олдини олиш бўйича санитария-маърифий ишларни амалга ошириш;
- аҳоли ўртасида COVID-19 инфекцияси тарқалишини олдини олиш тадбирларини амалга ошириш;
- юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича эпидемик ўчоқда ишларни ташкил этиш;
- дезинфекция тадбирларининг самарадорлигини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- тиббий ҳужжатларни тўғри олиб бориш қоидалари ҳақида;
- эмлаш картаси билан ишлаш, ф. 063/у бўйича эмлаш ва қайта тиклашнинг тўғрилигини таҳлил қилиш ва 5, 6-сонли ҳисобот шаклини ўрганиш.
- юқумли касалликнинг эпидемиологик текширувини ўтказиш ва касалликнинг эпидемия эпидемиясини аниқлаш;
- профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича директив ҳужжатлар;
- далилларга асосланган тиббиёт ва биоэтиканинг асосий тамойиллари
- қидирув ва суд органлари учун керакли ашёвий далиллар ва бошқа манбаларни ўрганиш ва хулосалар қилиш ҳақида;
- статистик хулосаларни аниқлаш ва унинг назарий асослари. Биотиббий ва тиббий-ижтимоий тадқиқотларда статистикадан фойдаланиш, ҳақида;
- аҳоли саломатлиги: мезонлар ва кўрсаткичлари. Аҳоли ва унинг алоҳида гуруҳларининг соғлиғини ўрганиш схемаси. Аҳоли саломатлиги даражасини белгиловчи энг муҳим омиллар ва шартлар, ҳақида;
- аҳолига тиббий-профилактика ёрдамини тиббий хизматнинг асосий тури сифатида кўрсата олиш ҳақида;
- эпидемиологик ва профилактик ёрдам фаолиятини таҳлил қилиш ва сифатини баҳолаш ҳақида;
- махсус тадқиқот усулларидан олинган маълумотларни шарҳлаш (лаборатория, биокимёвий ва бошқалар) ҳақида;
- операцион тизимлар, электрон почта, конференциялар ва тақдимотларни ташкиллаштириш тўғрисида билимларга эга бўлиш ҳақида;
- врачлик амалиётида «команда» бўлиб ишлаш тамойиллари ҳақида;

- юқумли касалликлар, эпидемия, пандемия вақтида эпидемиологик ёрдамни кўрсатиш қоидалари ҳақида ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

- турли инфекциялар эпидемик жараёнининг намоён бўлишларини таҳлил қилиш;
- аҳоли саломатлигини баҳолаш мақсадида маълумотларни тўплаш, статистик ва мантиқий қайта ишлаш ва уни белгиловчи омиллар;
- касалликларнинг эпидемиологик, ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини баҳолаш;
- касалликнинг даражаси, тузилиши, динамикасини ретроспектив баҳолаш;
- Санитария-эпидемиология хизматининг жорий статистикасига кўра эпидемиологик вазиятни тезкор баҳолаш;
- аҳоли ва унинг алоҳида гуруҳларининг инциденциясини тахлил қилиш;
- хавф омиллари билан касалланишнинг сабаб-таъсир ва оқибат муносабатлари ҳақидаги фаразларни шакллантириш ва баҳолаш;
- эпидемиологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда COVID-19 га чалинган аҳолига тўғри ёрдам кўрсатиш;
- эпидемиологик аҳамиятга эга объектларни текшириш: COVID-19 инфекциясида текшириш объектлари ва ашёлари;
- бир ва бир нечта ҳолатлар билан эпидемик ўчоқларни текшириш;
- эпидемик ўчоқларда юқумли касалликлар манбалари ва тарқатиш йўлларини аниқлаш;
- юқумли касалликларни эрта ташхислаш ва уларнинг олдини олиш усулларидан фойдаланиш;
- юқумли ва юқумсиз касалликларга қарши курашиш бўйича аҳоли ўртасида зарур профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар комплексини тузиш ва амалга ошириш;
- эпидемиологик текширувлар натижаларини таҳлил қилишда иштирок этиш;
- турли инфекцияларда профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни тартибга солувчи норматив-услубий ҳужжатларнинг белгиланган вазифаларини ҳал этишда фойдаланиш;
- хизмат кўрсатиладиган ҳududнинг эпидемиологик ҳолати ҳақида ҳисобот ва ҳисоботларни тайёрлаш;
- эпидемиологик текшириш суллари ёрдамида эпидемиологик ташхисни амалга ошириш касалланишни таҳлил қилиш ва инциденцияни тахмин қилиш;
- жорий статистика маълумотларига кўра, эпидемик вазиятни тезкор баҳолаш;
- профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг сифати ва самарадорлигини баҳолашни амалга ошириш;
- юқумли касалликларнинг айрим гуруҳлари ва нозологик

шаклларини эпидемиологик назорат ташкил этиш;

- касалликларга қарши курашни ва олдини олиш чораларини такомиллаштириш мақсадида махсус юқумли касалликлар эпидемик жараёнининг детерминантларини динамик кузатиш натижаларини қўллаш;

- профилактик ва эпидемияга қарши чоралар мажмуасини режалаштириш ва амалга ошириш.

- энг кенг тарқалган юқумли ва юқумсиз касалликларнинг олдини олиш бўйича асосий чора-тадбирлар зарурлигини оқлаш;

- бирламчи ва кўп ҳолларда касалликларни локализация қилиш ва бартараф этиш бўйича дастлабки чора-тадбирлар режаларининг лойиҳаларини асослаш ва тузиш;

- тегишли ўқув-услубий ҳужжатлардан фойдаланиш;

- бухгалтерия ва ҳисобот ва бошқа эпидемиологик ҳужжатларни (бухгалтерия ва ҳисобот шакллари, эпидемиологик текширув карталари, актлар ва бошқалар) расмийлаштириш;

- юқумли касалликлар ўчоқлари эпидемиологик текширувини мустақил равишда ўтказиш;

- юқумли касалликлар ўчоқлари эпидемиологик текширувларининг карталари ва ҳужжатларини тўлдириш;

- профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш: COVID-19 инфекцияси ўтказиладиган чора-тадбирлар хусусият-лари;

- болалар ва катталарни мунтазам равишда эмлаш ва эпидемик кўрсатмаларга кўра иммунизация қилишни режалаштириш, ташкил қилиш ва амалга ошириш;

- эмлаш ишларини ташкил этиш бўйича болалар поликлиникасини текшириш;

- вакцинопрофилактиканинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашга қодир;

- эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг сифати ва самарадорлигини баҳолаш;

- аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг ва мақсадли тарғибот қилиш;

- педагогик ишларни амалга ошириш;

- илмий тадқиқотлар олиб бориш;

- рўйхатга олиш ва ҳисобот ҳужжатларини тўлдириш ва сақлаш;

- кўрсатилаётган эпидемиологик ва профилактик ёрдам сифатини ошириш мақсадида аудит ўтказиш ***кўникма ва малакаларига эга бўлиши керак.***

## 3. Асосий қисм

***3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар***

**Мутахассислик модуллари**
**1-ўқув йили**

**Эпидемиология йўналиши бўйича 1 ўқув йили учун маърузалар мавзуси**

| № т/р | Маъруза мавзуси | Соат/ кредит |
|---|---|---|
| | **I. Умумий эпидемиология** | **10/0,3** |
| **1.** | Замонавий тиббиёт ва соғлиқни сақлашнинг долзарб муаммолари. Эпидемик жараён ҳақидаги таълимот. | |
| **2.** | Эпидемияга қарши ишларнинг эпидемиологик диагностик-услубий асоси. Клиник ва эпидемиологик диагностика параллел-лари. Эпидемиологик диагностика усуллари ва босқичлари. Эпидемиологик тадқиқот усулининг таркиби. | |
| **3.** | Эпидемиологик касалликларни таҳлил қилиш усулларининг назарий ва амалий асослари. Аҳоли касалланишларининг ретроспектив ва оператив таҳлили. | |
| **4.** | Аҳоли касалланишларини тавсифловчи эпидемиологик кўрсат-кичлар. Тасвирий (дискриптив) эпидемиология. Аналитик эпидемиология. Ҳодиса-назорат ва Кагорт тадқиқот усули. | |
| **5.** | Эпидемиологик тадқиқотлар дизайни, тажриба ва кузатиш. Клиник тадқиқот усулларини рандомизация қилиш. Танловни шакиллантириш. Танлаш ҳажмини ўлчаш. Хавф омиллари, кўрсаткичлар фарқининг эҳтимоли. | |
| | | |
| | | |
| | **II. Хусусий эпидемиология** | **14/0,4** |
| **1.** | Ўзбекистонда ичак инфекциясининг долзарб муаммолари. Саль-монеллезнинг эпидемиологияси ва профилактикаси. Озиқ-овқат токсикоинфекциясининг эпидемиологияси ва профилактикаси. | |
| **2.** | Шигеллёзнинг эпидемиологияси ва профилактикаси. ТПКнинг эпидемиология ва профилактикаси. Энтерал вирусли гепатит-ларнинг эпидемиологияси ва профилактикаси. | |
| **3.** | Парентерал механизми билан юкадиган вирусли гепатитлар эпидемиология ва профилактикаси хусусиятлари. | |
| **4.** | ОИВ/ОИТС инфекцияси эпидемиологияси ва профилактикаси. Унга қарши курашиш муаммолари. | |
| **5.** | КИИ эпидемиология, профилактика ва эпидемиологик назорат асослари. Олдини олиш бўйича эпидемиологик назоратнинг | |

| | | |
|---|---|---|
| **6.** | Гемоконтактик инфекциялар эпидемиология, профилактика ва эпидемиологик назоратнинг ўзига хос хусусиятлари. | |
| **7.** | Замонавий пандемиялар: COVID-19 инфекциясининг эпидемиологияси ва профилактикаси хусусиятлари. | |
| | | |
| | **1 курс учун ЖАМИ маърузалар:** | **24 /0,7** |
| | **Эпидемиология йўналиши бўйича 2 ўқув йили учун маърузалар мавзуси** | |
| **№ т/р** | **Маърузалар мавзуси** | **Соат/ кредит** |
| | **I. Умумий эпидемиология** | **10/0,3** |
| **1.** | Касаллик гуруҳлари ва нозологик шакиллари бўйича аҳолининг касалланиш даражаси ва таркибини таҳлил қилиш асосида профилактика муаммоларини баҳолаш. Терапевтик, иммунобиологик воситалар ва диагностик (ташхисий) синамаларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш. Бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика. Профилактика ва скрининг. | |
| **2.** | Профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг сифати ва самарадорлигини баҳолаш. Дезинфекция ишини ташкиллаштириш асоси. Юқумли касалликлар профилактикасида дезинфекциянинг аҳамияти. Эмлаш ишларини ташкиллаштириш босқичлари. Иммунопрофилактиканинг самарадорлигини баҳолаш. | |
| **3.** | Эпидемияга қарши ишларни ташкил этиш, эпидемияга қарши тизимнинг ташкилий тузилмаси ва таркибий бўлинмалар фаолиятининг функционал йўналишлари. Эпидемиологик назорат. Эпидемиологик назоратни ташкил этиш асослари. Санитария-эпидемиология хизмати аҳолини эпидемияга қарши ҳимоя қилиш тизимидаги етакчи таркибий қисмдир. | |
| **4.** | Аҳоли яшаш худудларида юқумли касалликлар тарқалишининг ретроспектив эпидемиологик таҳлили - анализини (РЭА) ўтказишни ташкил этиш асослари. Касалликнинг гуруҳлари, нозологик шакиллари бўйича аҳолининг касалланиш даражаси ва таркибини таҳлил қилиш асосида профилактик муаммоларни баҳролаш. | |
| **5.** | Оператив эпидемиологик таҳлил доирасида юқумли касалликлар эпидемик ўчоқларини эпидемиологик текшириш. Санитария-эпидемиология хизмати эпидемиология бўлими профилактик ишларининг муаммоли-тематик режаси ва бошқа турлари. | |
| | | |
| | **II. Хусусий эпидемиология** | **16/0,4** |

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | Нафас йўли инфекцияларининг эпидемиологияси ва профилактикасининг замонавий хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасида нафас йўли инфекцияларига қарши курашиш муаммолари. Грипп ва ўткир респератор вирусли инфекциялар (ЎРВИ) эпидемиологияси ва профилактикаси. COVID-19 инфекциясининг эпидемиологияси ва профилактикасининг замонавий хусусиятлари. | |
| | | |
| **2.** | COVID-19 инфекцияси эпидемик ўчоғида ўтказиладиган эпидемияга қарши чора-тадбирлар хусусиятлари. Дифтерия, менингококк инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари ва уларга қарши эпидемиологик назоратни ташкил этиш. Қизамиқ | |
| **3.** | Кўкйўтал инфекциясининг эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемик назоратини ташкил қилиш. Туберкулез (сил) инфекциясининг эпидемиологияси ва профилактикаси. Туберкулез инфекцией қарши эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва унинг таркиби. | |
| **4.** | Жинсий йўл орқали ўтказиладиган инфекциялар (ЖЙОЎИ) эпидемиологияси ва профилактикаси. Эпидемиологик назорат ўтказишни ташкиллаштириш хусусиятлари ва унинг таркиби. Зооноз инфекциялар. Эпидемиологик назорат ўтказиш таркиби ва ташкиллаштириш хусусиятлари. Қутуриш касаллигининг эпидемиологияси ва профилактикаси. | |
| **5.** | Зооноз инфекцияларда эпидемиологик назорат ўтказиш таркиби ва ташкиллаштириш хусусиятлари. Бруцеллёз. Эпидемиологияси ва профилактикаси. Ку иситма. Эпидемиологик назорат ўтказиш таркиби ва ташкиллаштириш хусусиятлари. | |
| **6.** | Ўлатнинг эпидемиологияси ва профилактикаси. Эпидемиологик назорат ўтказиш таркиби ва ташкиллаштириш хусусиятлари. Куйдирги касаллигининг эпидемиологияси ва профилактикаси. Эпидемиологик назорат ўтказиш таркиби ва ташкиллаштириш хусусиятлари. Мохов касасллигининг эпидемиологияси ва профилактикаси. Эпидемиологик назорат ўтказиш таркиби ва ташкиллаштириш хусусиятлари. | |
| **7.** | Ўзбекистон Республикаси худудларига карантин ва ўта ҳавфли юқумли касалликлар олиб киритилиши ва тарқатиб юборилишидан санитария мухофазалашни ташкиллаштириш. Вабо ва геморрагик иситма касалликларининг эпидемиологияси ва профилактикаси. | |
| **8.** | Ўзбекистон Республикасида паразитология асослари. Безгак касаллигининг эпидемиологик назорати ва уни буткул тугатиш муаммолари. Ўзбекистон Республикаси худудларида энг кўп учрайдиган гельминтозлар. Паразитизм ва паразитар касалликлатр (лямблиоз, хламидиозлар, амебиаз). | |

| | |
|---|---|
| **2 курс учун ЖАМИ маърузалар:** | **26/0,7** |
| **Маъруза бўйича 2 йиллик ўқитиш ЖАМИ соатлари:** | **50/1,4** |

Маъруза машғулотлари мультимедияли кўрсатмалар (презентация, видеофильм, видеоролик ва ҳ.к) билан таъминланиши шарт. Маъруза ўтказиладиган аудитория мультимедия қурилмалари билан жиҳозланган бўлиб, клиник ординатор (резидент)ларга барча шарт-шароитлар яратилган бўлиши шарт. Маърузаларда мавзуга боғлиқ замонавий ва далилларга асосланган тиббиёт (исботланган тиббиётга асосланган) маълумотлари келтирилиши мақсадга мувофиқ.

### *3.2. Модулдаги амалий (семинар) машғулотларнинг мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:*

| **№ т/р** | **Модул ва амалий (семинар) машғулотларнинг мавзулари** | **Соат/ кредит** |
|---|---|---|
| | **Умумий эпидемиология** | **4256/118.2** |
| **2.1. (1 Модул)** | ***I. Умумий эпидемиология. Асосий эпидемиологик тушунчалар*** | |
| 1.1. | **Эпидемиологияга тизимли ёндошиш. Эпидемик жараённинг ижтимоий-экологик концепцияси** | |
| 1.2. | Эпидемик жараён тўғрисидаги таълимотнинг интерпретацияси. | |
| 1.3. | Эпидемик жараённинг ўзига хослик табиати. | |
| 1.4. | Эпидемик жараён ривожланишида эпидемиологик нащарияларнинг тутган ўрни. | |
| 1.5. | Эпидемик жараённинг ривожланишида ижтимоий ва табиий омилларнинг аҳамияти. | |
| **2.1. (2 Модул)** | **Эпидемиологик диагностика эпидемияга қарши ишларнинг методик асоси. Клиник ва эпидемиологик диагностика параллели.** | |
| 2.1. | Санитария-эпидемиология хизмати эпидемиолгнинг ахборот (информацион) базаси. | |
| 2.2. | Эпидемияга қарши ишларни ташкиллаштиришга тизимли ёндошиш эпидемияга қарши тизимнинг ташкилий таркиби ва тузилма бўлимларинг фаолияти функционал йўналиши. | |
| 2.3. | Аҳолининг эпидемияга қарши мухофаза қилиш тизимида Санитария-эпидемиология хизматининг етакчи таркибий бўлинмасидир. | |
| 2.4. | Аҳолининг эпидемияга қарши мухофаза қилиш тизимида бошқарув. | |
| 2.5. | Профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни | |

| | | |
|---|---|---|
| | режалаштириш. | |
| 2.6. | Аҳолининг касалланиш даражаси ва таркибини касалликнинг гуҳлари ва нозологик шакиллари бўйича таҳлилини ўтказиш асосида профилактик муаммоларни баҳолаш. | |
| 2.7. | Эпидемиологик диагностиканинг умумий алгоритми. | |
| 2.8. | Оператив эпидемиологик таҳлил (анализ). | |
| 2.9. | Эпидемиологик назорат – эпидемияга қарши ишларни ташкиллаштиришнинг замонавий асоси. | |
| 2.10. | Эпидемияга қарши ишларнинг сифати ва самарадорлигини баҳолаш. | |
| **2.1. (3 Модул)** | **Эпидемияга қарши чора-тадбирлар таркиби.** | |
| 3.1. | Дезинфекция иши фаолиятини ташкиллаштириш ва таркибий қисмлари. | |
| 3.2. | Дезинфекция чора-тадбирлари сифати ва самарадорлигини баҳолаш. | |
| 3.3. | ДПМ марказий стерилизация бўлими (МСБ) сифати ва самарадорлигини назорати. | |
| 3.4. | Эмлаш ишлари фаолиятини ташкиллаштириш босқичлари: режалаштириш, ўтказишва аҳоли иммунизацияси сифатини ва самарадорлигини баҳолаш. | |
| 3.5. | Вакцинациядан кейинги реакциялар ва асоратларини баҳолаш. | |
| | | |
| **2.2. (4 Модул)** | ***II. Хусусий эпидемиология*** | |
| | | |
| 4.1. | Инфекцион ва ноинфекцион касалликларнинг эпидемиологик хусусиятлари. | |
| 4.2. | Фекально-оральмеханизми билан юқадиган инфекциялар умумий таснифи (характеристикаси). | |
| 4.3. | Ҳаво-томчи (аэрозоль) механизми билан юқадиган инфекциялар умумий таснифи (характеристикаси). | |
| 4.4. | Контакт механизми билан юқадиган инфекциялар умумий таснифи(характеристикаси). | |
| 4.5. | Трансмиссив механизми билан юқадиган инфекциялар умумий тавсифи (характеристикаси). | |
| 4.6. | Антропоноз инфекциялар эпидемиологияси ва профилактикаси. | |
| 4.7. | Зооноз инфекциялар эпидемиологияси ва профилактикаси. | |
| 4.8. | Сапроноз касалликлар эпидемиологик тавсифи (характеристикаси). | |
| 4.9. | Касалхона ичи инфекциялар (КИИ) эпидемиологик таснифи (характеристикаси). | |
| 4.10. | Даволаш профилактик муассасаларда (ДПМ) КИИ эпидемик | |

| | | |
|---|---|---|
| | ўчоғини эпидемиологик текшириш хусусиятлари. | |
| **2.2. (5 Модул)** | **Ичак инфекциялар эпидемиологияси ва профилактикаси хусусиятлари.** | |
| 5.1. | Тиф-паратиф касалликлар (ТПК) эпидемиологияси, профилактикаси, эпидемияга қарши чора-тадбирлари ва эпидемиологик назорати. | |
| 5.2. | Шигеллезлар эпидемиологияси, профилактикаси, эпидемияга қарши чора-тадбирлар ва эпидемиологик назорат ўтказиш хусусиятлари. | |
| 5.3. | Фекально-ораль механизми билан юқадиган вирусли гепатитлар. | |
| 5.4. | Энтерал вирусли гепатитлар ВГА ва ВГЕ эпидемик ўчоқларида эпидемиологик текширув ўтказиш ва унинг муҳокамаси. | |
| 5.5. | Гемоконтакт инфекциялар: парентеральвирусли гепатитлар эпидемиологияси ва профилактикаси. | |
| 5.6. | ОИВ/ОИТС инфекцияси эпидемик ўчоқларининг эпидемиологик тавсифива касалланишлар устидан эпидемиологик назоратини ташкил этиш хусусиятлари. | |
| 5.7. | Сальмонеллез инфекцияси эпидемик ўчоқларининг эпидемиологик хусусиятлари. | |
| 5.8. | Бруцеллез инфекцияси эпидемиологик тавсифи. | |
| 5.9. | Иерсиниоз касаллиги эпидемиологик тавсифи. | |
| 5.10. | Ротовирус инфекцияси эпидемиологияси ва профилактикаси. | |
| 5.11. | Кампилобактериоз касаллиги эпидемиологияси ва профилактикаси. | |
| 5.12. | Паразитар касалликлар эпидемик ўчоқлари эпидемиологик тавсифи: безгак ва гельминтозлар. | |
| | | |
| **2.2. (6 Модул)** | **Нафас йўли инфекциялар эпидемиологияси ва профилактикаси хусусиятлари.** | |
| 6.1. | Дифтерия касаллигининг эпидемиологияси, профилактикаси, эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиш ва эпидемиологик назорати хусусиятлари. | |
| 6.2. | Қизамиқ ва қизилча касалликларида эпидемиологик назорат ўтказишни ташкиллаштириш хусусиятлари. | |
| 6.3. | Кўк йўтал касаллигида эпидемиологик назоратни ташкил этиш хусусиятлари. | |
| 6.4. | Эпидемик паротит касаллиги ўчоғининг эпидемиологик тавсифи. Грипп ва ўткир респиратор касалликлар (ОРЗ) инфекцияларининг эпидемиологияси, профилактикаси ва унга қарши курашиш муаммолари. | |
| 6.5. | COVID-19 инфекцияси эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати хусусиятлари. | |

| | | |
|---|---|---|
| 6.6. | COVID-19 инфекцияси эпидемик ўчоғида ўтказиладиган эпиджемияга қарши чора-тадбирлар хусусиятлари. | |
